

O'ZBEKISTON  
RESUBLIKA  
MILLIY  
INVERSIYA

Она юртинг — олтин бешигинг

# ТОНГЮЛДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Газета 1929 йил 1 августдан чиқа бошлаган

№ 32 (66261)

2000 йил 10 август, пайшанба

Сотувда эркин нархда

## BAYRAM BAYRAMLARGA ULANSIN

Хақинда Ichki Ishlar Vazirligiga qarashli «Zarkent» bolalar oromgohida dam olib qaytdim. Parkent tumanining eng so'lim, xushmanzara yerlariga joylashgan oromgohimiz menga juda yoqdi. Har bir kunimiz qiziqarli o'tardi: quvnoq ertaklar kuni, suv sepish, lentalar taqish, teskari kunlar, karnavallar uyushtirardik. Bunday tadbirlarni tarbiyachi opalarimiz Galina Ivanovna va Roza Bariyevnalar o'yab topishardi. Eng muhimi, oromgohda juda ko'plab do'stlar ortirdim. Umida, Nargiza Hilola, Malika, Gulnoza, Nigora, Sevara, eh-he, yana qancha qizlar...

Oromgohda o'tkazgan oxirgi kunlarimiz ayniqsa yodda qolarli bo'ldi: kattakon gulxan atrofida qo'shiqlar aytib, raqsga tushdik. Pazanda oshpazlarimiz mazali palov, shokoladlar bilan siylashdi.

Uyga qaytganimda bir necha kun ham bo'lyapti hamki, gulxanimizning alangasi ko'z oldimdan ketmaydi. Hademay mustaqilligimiz bayramini tantana qilamiz. O'sha kuni bo'ladigan mushakbozlik haqida o'yasam, ichimdan quvonib ketyapman. Bayramlar bayramga ulansa, qanday yaxshi.

Go'zal RAHMONOVA,  
Toshkent viloyati, Qibray tumani, 7-sinf o'quvchisi.

## XAYR, BOG'CHAJON!

Mening ismim Dिल्фуза. Yoshim yettiga to'ldi. Sobir Rahimov tumanidagi «Go'zal» nomli 120-bolalar bog'chasining bitiruvchisiman. Maktabga chiqayotganim yaxshi albatta. Lekin sevimli tarbiyachim Dilbar opa bilan xayrlashishga to'g'ri kelayotganidan juda hafaman. Chunki shuncha yillar davomida Dilbar opamga juda o'rganib qolgandik.

Bitiruv kechamizda men boshlovchilik qildim. Dilbar opam yod oldirgan o'ndan ortiq she'rlarimni. Alisher Navoiyning ikkita g'azalini ifodali qilib o'qib berdim. Yana «Dilxirojga», «Sinchalak»ka chiroyli qilib raqsga tushib berdim. Buni bayramimizga tashrif buyurgan onalarimiz, buvilarimiz, bog'cha opalarimiz va do'stlarimning olqishlaridan bilib oldim. Bizlarni shunday sog'lom, bilag'on va zukko qilib tarbiyalagan bog'cha opajonlarimga rahmatlar aytamiz.

Iye, yana bir gapni aytmabman-ku. She'r to'qishni ham juda yaxshi ko'raman. Bog'cha opamizga atab yozgan she'rimni sizlar ham eshitib ko'ringlar-a:

Aziz bog'cha opajon,  
Bo'ling ko'p yil sog'-omon.  
Dilfuzaxon qizingiz,  
Unutmagay hech qachon.

Dilfuza OTAMURODOVA,  
Toshkent shahar, Sobir Rahimov tumanidagi,  
120-bolalar bog'chasining bitiruvchisi.

Ховлимиздаги сўрида узум пишди. Ишкомлар кип-қизил маржондек гўтган узумлар кирган-чиққаннинг кўзини қувнатади. «Суратга олиб кўйинг», дейишади кўшниллар. «Худди атайлаб ток новдаларига тизиб кўйилгандай-а»...

Ишком тагида ўтирган бобожоним келган- кетганга ток парвариши, уни чилла сувиға тўйгазиш кераклиги ҳақида мазза қилиб хикоя қиладилар ва «отам раҳматли парваришлаган узумларни сизлар кўрмайсиз», деб хотирага берилдилар.

-Тешикқоққадаги уйимизни завод қурилади, деб б у з и ф ташлашди. Ўшанда узумлар эндигина гўра бўлган эди. Уволдан кўркмай тўғри бульдозер солиб юборишди...- Кўзга ёш олиб гапирдилар бобом -Ўшанда отам «Жўжабирдек жонман. Болаларим билан узум пишиғига кўз тикиб, кун санаб юрибман. Бир ой сабр қилиб туринглар. Узумларга шира кирсин», дедилар. Ҳатто, ишком остига узала тушиб ётиб ҳам олдилар. Лекин ҳукумат биргина отамнинг сўзини инobatга олармиди. Кўшнилариимиз эса ҳукуматнинг айтгани айтган, дегани деган, деб мум тишлаб туришган бўлса...


-Бобожон, барибир бузиб ташлашдимиз-я, -деб қайта сўрайди укам Бекзод кўзлари жовдираб.

-Ҳа, дейдилар бобом. Ўшанда сендек бола эдим, бир ёқдан богимиз Бузилди, бир ёқдан отамнинг жони узилди... Шаҳардаги кичик ховлимизни шу кенг боққа алишиб келганмиз кейин... Бутун умр ҳайдовчи бўлиб ишласамда, уйимда узум етиштиришни ўзимга қатъий мақсад қилиб қўйганман. Бир сидра маҳалламиздагилар узумларга касал келди, деб тоқзорларни бузиб ташлашса ҳам мен асраб қолганман. Мана оқибати - шигил меваларни мақтаб кўрсатадилар бобомлар. Узум энглар, болаларим. **УЗУМ ЕЙМАН ДЕСАНГЛАР, ТОК НОВДАСИНИ УЗУН КЕСИНГЛАР!**

Ҳа, бобожоним меваси шигил новдаларни белгилаб, ип боглаб қўядилар. Кузда ўша новдаларни асраб қоладилар. Ҳар бир узум новдаси 26-30 метргача ўсиши мумкин дейдилар. Шунинг учун новдаларни узун қолдириш. Қуёш нурида олтиндек саргайиб, тоза пишиши учун имконият яратинг.

Мен бобомнинг узумни қандай ўстириш ва парваришlash кераклиги ҳақидаги насихатларини жон қулогим билан тинглайман.

Гулчеҳра ШАВКАТ қизи  
Ташкент шаҳар,  
273-мактабнинг 5-синф ўқувчиси.



### УЗУМХЎР

Кўзичоғим узумни  
Яхши кўради.  
Паққос тушираверар  
Гўра, шўрани.

Пишганидан берсангиз  
Дарров тўяди.  
Ахир данаги билан  
Ейди-қўяди...



Ховлимизда узумларнинг турли навлари бор. Чиллаки, хусайни, кишмиш, тоғ узум. Улар сўримизда мисоли марварид қандилдай товланиб турибди. Шу кунларда мазза қилиб шигил пишган узумлардан еяпман.

### «КЕЛИН БАРМОҚ» УЗУМ

Кўш ни ўртоқларим ҳам бизникида меҳмонда. Уларни узум билан сийлапман. Улар шунчалик кўп ҳосил берганки, гоҳида олим: «Узумлар увол бўлмасин, бозорга олиб чиқиб, сотасмикин?», десалар, бўвим эса: «Йўқ, болаларимиз, маҳалла-қўй ҳам тўйиб-тўйиб есин», деяптилар. Чунки узум таркибида глюкоза, фруктоза каби витаминлар бор экан.

Биз томонда хусайни узумни «келин бармоқ» дейишади. Араб мамлакатларида эса «қиз бармоқ» дейишаркан. Ана шу келин ва қиз бармоқлар ховлимиз хуснига хусн қўшапти. Қиш кунлари ҳам биз узумга тўядиган бўлдик. Сентябрь ойларида унинг бошини авайлаб олиб, ертўламызга илиб қўямиз. Ҳозир эса қушлардан асраш учун ўртоқларим билан биргалашиб ҳар бир бошини қоғоз билан ўраб қўйганмиз. Хоҳланг ёзда, хоҳланг қишда бизникига меҳмонга келсангиз, мазза қилиб узум ейсиз.

Фазлиддин ҚУРБОНОВ,  
Андижон вилояти, Бўз тумани,  
2-мактаб ўқувчиси

**Шахримизнинг Мирзо Улугбек туманида Республика Халқ Таълими Вазирлиги тасарруфидаги бир гимназия бор. 860 нафар ўғил-қиз таълим-тарбия оладиган мазкур илм даргоҳига Абдусалом ака Умаров раҳбарлик қиладилар:**

-Гимназиямиз 1995 йилда ташкил қилинган бўлиб, шу қисқа давр мобайнида талайгина ижобий ютуқларни қўлга киритдик.

Гимназиямиз ўқувчилари ўзбек, рус, қозоқ, тожик ва татар миллати фарзандлари бўлиб, ўзбек, рус ва инглиз тилларида пухта сабоқ оладилар. Уларга 80 нафар тажрибали муаллимлар сабоқ бериб келяптилар. Инглиз тили дарсларини 1 тоифали ўқитувчилар Гулчехра Ангарбоева, Марғуба Ниёзовалар ўтишса, компьютер ва лингафон сабоқларини олий тоифали мураббийлар Холида Ҳакимбоева, Хуршид Ҳалиловлардан ўрганишяпти. Ўқитувчиларимиз жонкуяр, илмли, ўз устиларида тинмай иш олиб бора-

дилар. Ўқувчиларимиз ҳам шунга яраша, тиришқоқ ва илмга чанқоқ ўғил-қизлар. Комила Аноркулова, Дарья Подольская, Шавкат Акмалов, Азамат Шамсиев, Адиба Соатова сингари аълочи, жамоатчи ўқувчиларимиз рўйхатини узоқ давом этишимиз мумкин.

Дарҳақиқат, Абдусалом аканинг гапларида жон бор.

## ЮРТИМ МЕХРИ ЎЗГАЧА

Бўлмаса чет элга бориб келиш айнан шу гимназия ўқувчиларига насиб қилармиди? Қачон, қаерга, дейсизми?

Яқинда АҚШнинг Коннектикут штати таълим департаменти таклифига асосан мазкур илм даргоҳининг 15 нафар ўқувчилари 24 кун мобайнида Қўшма Штатларда саёҳатда бўлиб қайтдилар. Улар инглиз тилидан олган билимларини амалий жиҳатдан бойитиш билан бирга хориж ёшларининг турмуш тарзи, ҳаёти, урф-одатлари, машғулоти билан ҳам яқиндан танишиб қайтиш-

ди. Уларнинг айримлари билан сафар таассуротлари ҳақида суҳбатлашдик:

**Умиджон ШОДИЕВ:**

-АҚШда ёшларнинг билим олишлари учун барча шарт-шароитлар муҳайё қилинган экан. Улардаги имкониятларнинг кенглигига ҳавас қилса арзийди.

**Жаҳонгир УМАРОВ:**

-Менга эса халқининг юксак маданияти, обод, кўркам ва кенг кўчалари, турли хил сифатли маҳсулотларга бой бўлган дўконлари, осмонўпар бинолари-ю антиқа ўйингоҳлари жуда ёқди.

**Артур ШОДИБОВ:**

-Ўқув хоналарининг замонавий анжомлар билан жиҳозланганлигини айтмайсизми...

**Нодира САИДКАРИМОВА:**

-Мен ҳам саёҳатдан бир олам таассуротлар билан қайтдим. У ерлар менга ҳам жуда ёқди. Лекин Ўзбекистонимизга қийслаб бўлмайди. Салкам бир ой давомида АҚШда юрган бўлсак, она

юртим хаёли бир зум бўлса-да, кўз ўнгимдан нари кетмади. Отанамни, қариндош-уруғларимизни, қўни-қўшниларимизни, бепоён далалари-ю анҳору сойларига жуда-жуда соғиндим. Уларсиз, она юртимсиз яшолмаслигимни тушуниб етдим.

Болаларнинг гапларида жон бор. Она юртимиз - Ўзбекистонимизнинг қиёси йўқ. Лекин «Юрган дарё, ўтирган бўйра» деганларидек, ўзга юртларга бориб, кўриб, ибратли жиҳатларини ўрганиб қайтсак, фойдадан ҳоли бўлмайди.

**Ҳикмат СААДОВ,**  
**Тошкент шаҳри.**



Укам таътилга чиқди-ю зерика бошлади. Ҳар куни бирга ўйнайдиган маҳалламиздаги ўртоқлари ҳам ҳар тарафга тарқаб кетишган, кимдир оромгоҳга, яна кимдир қариндошлариникига...

-Оқтепада янги «Касб-хунар қурилиш» коллежи очилибди. Ўша ерда спорт комплекси бор экан. Сен ҳам дўстларинг билан бирор тўгаракка аъзо бўлмайсанми? - деб қолдилар бир

**БИЛОЛ АКАМДЕК БЎЛСАМ** к у н и ойижоним. Бу гап укамга жуда маъқул бўлди.

Шу кунгек ўртоқлари билан бирга Билолидин ака Зайниддинов мураббийлик қилаётган «Каратэ» тўгарагига аъзо бўлиб келишди. Ҳозирда зерикашга вақти ҳам йўқ, «Билол акамдек бўлсам» дея астойдил ҳаракат қиляпти. Мен ҳам бордим. Мураббийлари ўғитларига амал қилиб, мураккаб машқларни ҳам астойдил бажараётган соғлом, бақувват, руҳан тетик болаларга боқиб, кўзим қувнаб кетди. Шунда беихтиёр ўйга толдим: Кечгача кўча чангитиб, тамаки чекиб, майда безорилик қилиб юрган, билиб-билмай турли оқимларга қўшилиб қолаётган айрим болалар ҳам шундай спорт мажмуаларига қатнашса, қандай яхши бўларди!

**Наргиза РИХСИБОЕВА,**  
**Зангиота туманидаги 15-мактаб ўқувчиси**



**Суратда: Билолидин ЗАЙНИДДИНОВ**  
**шогирдлари даврасида.**



Суратда кўриб турган бу тенгдошларингиз ёзги таътил кунларини жуда мароқли ўтказишяпти. Улар Агросаноат касаба уюшмалари Данғара туман кўмитаси тизимидаги оромгоҳлардан бири - Найманча ширкат уюшмасига қарашли туман хўжаликлараро «Нилуфар» болалар оромгоҳида дам олишяпти. Ҳамроҳон Мамадалиева ва Рафиқжон Тожибоевлар раҳбарлик қилаётган мазкур оромгоҳ 1137 нафар ўғил-қизни ўз бағрига олган. Қизиқарли ўйин-викториналар, маданий ва маърифий машғулотлар, ҳуқуқ-тарғибот ходимлари билан очиқ мулоқотлар болажонларнинг ёдларида мангуга муҳрланади.

## УСТОЗ БАХТИ

Устозлар учун шогирдининг камолотини кўриш, унинг ютуқларидан завқланишдан ортиқроқ бахт бўлмаса керак. Яқинда ана шундай бахт Китоб туманидаги Охунбобоев номли ўрта мактабнинг тил ва адабиёт ўқитувчиси Дилобархон Иноятовага насиб қилди. Унинг шогирди Фаёза Раҳмонова республика иқтидорли ўқувчилар кўрик-танловида голиб чиқиб, «Энг иқтидорли ўқувчи» дипломини қўлга киритиб қайтди.

Менинг қўлга киритган бу ютугимда устозим Дилобар опа Иноятованинг хизматлари катта бўлди,- дейди 8-синф ўқувчиси Фаёза Раҳмонова. - Синчков, талабчан устозим дилимдаги журналист бўлишдек эзгу ниятимни тезда илғаб олдилар. Шеърини машқларимни, мақола ва хабарларимни устидан ўқиб, зарур жойларини таҳрир қилиб бердилар. Туманимизнинг «Китоб

тонги» газетасида мақолаларим эълан қилинса, мендан ҳам кўра кўпроқ Дилобар опам хурсанд бўлиб кетадилар...

Фаёзанинг шеър ва мақолалари республика болалар нашрларида ҳам тез-тез кўрина бошлади. Айни кунларда Фаёза устозининг маслаҳатига кўра халқ оғзаки ижоди намуналарини тўплайпти. Қишлоқма-қишлоқ юриб, кекса отахон ва онахонлардан халқ кўшиқлари, термалари, лапар ва яллалар, эртагу ривоятларни ёзиб оляпти.

Ижод қилиш, яратиш ишқи қалбида аланга олаётган Фаёза Раҳмонова ўз йўли ва услубини топиш иштиёқида изланыпти. Устози Дилобар Иноятова эса унинг бу борадаги энг яқин маслаҳатгўйи бўляпти.

**Ильмомиддин ИНОМОВ,**  
**Жаҳон тиллари Университети талабаси.**

Андижон шахрининг шундоқки-на ёнида, соя салқин бир гўшада «Қалдирғоч» оромгоҳи жойлашган. Маҳаллий матбуотда танқид қилингандан кейин бу йилги аҳвол тубдан ўзгарди. Ёзнинг иссиғи забтига олган шу кунларда оромгоҳ болаларнинг севимли

батлар, қизиқарли мусобақалар, қувноқ кўшиқ ва рақсларга бой бўлган байрам кечгача давом этди. Ушбу тадбирга Вилоят «Соғлом авлод учун» жамғармаси таянч пункти раиси Саломатхон Отахонова, Андижон шаҳар «Қизил ярим ой» жамияти раиси Саидахмад

куни чўмиламиз, кўшиқ айтиб рақсга тушамиз. Яқинда «Жажжи гўзал» мусобақасини ўтказишди ва мени голиб деб топишди.

Бу қувноқ қизча менга жуда ёқиб қолди. Уни бекорга голиб деб топмаганларига амин

# «ҚАЛДИРҒОЧ» БАЛАНД ПАРВОЗДА

канига айланган. Бу ерда мавсум давомида 900дан зиёд ўғил-қиз мазза қилиб хордиқ чиқаради.

Камолхўжаевлар ташриф буюришиб, ўзларининг болаларга аталган совғаларини тақдим этдилар. Шунингдек, Муҳаммаджон Абдукаримов, Саминжон Ху-

сунзода каби ижодкорлар дам олувчилар билан қизгин суҳбатда бўлиб, қувноқ шеърлар ўқиб бердилар.

## Акмалжон Хусанов ва Қаюмжон Аҳмедов, 11-ўрта мактабнинг 6-синф ўқувчилари:

-Биз бир мактабда ўқиймиз, қалин дўстмиз. Шунинг учун ҳам оромгоҳга ҳам бирга келдик. «Қалдирғоч» бизга жуда ёқади, ҳар йили шу ерда дам оламиз. Волейбол, футбол, теннис, шашка каби спорт мусобақаларида жон-дилимиз билан иштирок этамиз. Бу эса бизнинг ҳам кўнгилли хордиқ чиқаришимизга, ҳам соғлом бўлишимизга ёрдам беради. Айниқса, «Боғишамол» лагери футболчиларини «8-3» ҳисобида мағлубиятга учратганимизда роса яйрадик. Галабамизга лагердагиларнинг ҳаммаси қувонди. Шунингдек, бу ерда тез-тез мультфильм, кино, кўғирчоқ театри, цирк томошалари кўрсатиб турилади, дискотека ўтказилади. Қаранг, ҳечам бўш вақтимиз йўқ, лекин сира-сира чарчамаймиз.

Андижон шахрининг гигант саноат корхоналаридан бўлган Ип-газлама ҳиссадорлик жамияти тасарруфидаги «Қалдирғоч» оромгоҳида болаларнинг кўнгилли дам олиши учун барча шароит яратилди. Чиройли қилиб таъмирланган шинам ётоқхоналар, кенг спорт майдончаси, ошхона, ёзги клуб, бассейн дам олувчилар хизматида. Улар-

челакчага сув ташиш, битта газетага чиқиб олиб, бутун гуруҳ билан рақсга тушиш каби қизиқ-қизиқ мусобақаларини ҳатто катталар ҳам мириқиб томоша қилдилар. Ҳа, айтмоқчи, бу ерда «Зумрашлар» ёки «Шумтакалар» эмас, балки дўстлик голиб чикди, чунки дўстлар бир-бирларидан сира қолишмадиларда!

Хуллас, оромгоҳда дам олаётган болакайларнинг қувноқ кайфиятини, чакноқ кўзларини, самимий табассумларини кўриб, уларни суҳбатга тортдим.

**Фотима ва Зухра Отажоновалар, Андижон шаҳридаги 29- мактабнинг 7-синф ўқувчилари:**

-Биз бу оромгоҳда ҳар йили дам оламиз. Таътилни «Қалдирғоч»да ўтказиш бизга жуда ёқади. Янги-янги дўстлар орттираамиз. Ҳеч ҳам зерикмаймиз. Бу ерда соғлигимизни ҳам мустаҳкамлаймиз. Чунки шифокор ва ҳамшира опаларимиз доимо назорат қилиб турадилар, фойдали гимнастика билан шуғуллантирадилар. Дугоналаримиз Шаҳноза, Нигина, Мадиналар билан кейинги йилда ҳам шу ерда дам олишни маслаҳатлашиб турибмиз.

**Гулбахор Абдуллаева, 5-мактабнинг 4-«Б» синф ўқувчиси:**

-Мен оромгоҳга укам Умиджон ва синглим Камола билан келганман. Биласизми, бу ер менга жуда ҳам ёқди. Ҳар

## Лобар Жўрабоева, 21-мактабнинг 6-синф ўқувчиси:

-Мен рақсга тушишни, дутор чалишни яхши кўраман. Бу ерда ҳам дутор чалиб берган эдим, ўртоқларимга жуда маъқул бўлди.

Ҳа, айтмоқчи, зар тикиш тўғрагига ҳам қатнашяпман. Мактабда ҳам ўрганаёган эдим-да. Ҳамшира опаларга зар тикилган елдиғич тайёрлаб берган эдим, роса хурсанд бўлишди. Мен билан бирга бу ерда укаларим - Феруза ва Машхурбеклар ҳам дам олишяпти. Улар ҳам жуда мамнун. Насиб қилса, янаги йилга ҳам ёзги таътилни шу ерда ўтказмоқчимиз.

кан. Ҳатто «Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон» кўшигининг ёшлар мадҳиясига айланиб кетганидан ҳам бохабар. Рус тилида бемалол гаплаша олади, ҳозирда эса инглиз тилини ҳам ўргана бошлабди.

**-Катта бўлганимда, врач бўлиб, чет элга борсам, инглиз тилини билишим керак-да,** - дейди у кўзлари пориллаб. У яна опасига дўппи тайёрлашда ёрдам беришни ҳам ўрганиб олибди. Вой, чаққон-ей!

«Жажжи гўзал» танловида эса: «Онанигининг яхши кўрган идишини синдириб кўйдингиз, нима қилган бўлардингиз?» деган саволга мана бундай жавоб бериб, ҳаммани қойил қолдирибди:

**-Ростдан ҳам бир куни чиройли графининг қопқоғини синдириб кўйдим. Ертўладан графинга ўхшаш румка олиб чиқдим-да, қопқоққа ўхшатиб**

## Достон Абдурахимов, Андижон туманидаги, 6-гимназиянинг 6-синф ўқувчиси:

-Бир куни маҳалламиз болалари билан футбол ўйнаётган эдик, дадам чақириб қолди ва «Қалдирғоч» оромгоҳига олиб боришини айтди. Мен жуда хурсанд бўлиб кетдим, чунки ўтган йили ҳам шу ерда дам олган эдим-да! Оромгоҳ менга жуда ёқади. Бу ерда янги-янги дўстлар орттираман, турли қизиқ-қизиқ воқеаларнинг гувоҳи бўламан.



## Санжарбек Юнусов, Избоскан туманидаги 8-мактабнинг 6-синф ўқувчиси:

-Мактабда ўқишлар тамом бўлгандан кейин мана бундай соя-салқин жойда дам олиш яхши-да. Бу ерда зериккишга вақт йўқ. Ҳар куни чўмиламиз, футбол ўйнаймиз, кўшиқ айтиб, рақсга тушамиз. Мен китоб ўқишни яхши кўраман. Бу ерда ҳам баъзан китоб ўқишга имкон топаман.

Менга айниқса, спорт мусобақалари жуда ёқади. «Қувноқ стартлар» ўйини, футбол турнирлари тез-тез ўтказиб турилади. «Балли, йигитлар» беллашувида эса «Дилхирож»га рақсга тушдим. Бугун ҳам «Зумрашлар» гуруҳида туриб дўстларим билан беллашдим.

**ёпиб кўйдим. Ойим унча эътибор бермадилар ва: «Графининг қопқоғи каттароқ бўлиб қолибдими?», - деб кўйдилар. Мен бўлган воқеани айтиб, ойимдан кечирим сўрадим.**

Ана кўрдингизми? Кичкина тадбиркор деб Гулбахорни айтса бўларкан.

Азиз болажонлар, андижонлик тенгдошларининг севимли маскани бўлган «Қалдирғоч» оромгоҳидан олам таассурот билан қайтар эканман, ўзимнинг Олисларда қолиб кетган болалигимга саёҳат қилгандек бўлдим. Ёш авлодни соғлом, баркамол этиб тарбиялаш мақсадида Ўзбекистонимизда улкан ишлар амалга оширилаётганини оромгоҳ миносида кўриб, яна бир карра ишонч ҳосил қилдим.

**Маърифат Бадриддин қизи, Андижон Давлат тиллар педагогика институти ўқитувчиси.**

нинг зерикиб қолмасликлари учун турли қизиқарли тўғараклар очилган. Мусобақалар уюштириб турилибди. Бу ишларга тиниб-тинчимас раҳбар Қодиржон Абдуллаевнинг ўзи бош-қош.

Яқинда «Қалдирғоч» оромгоҳида «Соғлом авлод» йили муносабати билан ажойиб тадбир ўтказилди. Бу эса болаларни янада хурсанд қилди. Болажонлар учун чинакам байрамга айланган бу тадбирни Маданият ходимлари касаба уюшмалари кўмитаси вилоят кенгашининг раиси Равшаной опа уюштирган. Боиси, Равшаной Жўрабоева ўғил-қизларнинг қувончини ўз хурсандчилиги деб билади.

Шундай қилиб, мазмунли суҳ-

Энг оғир сукут сақлаш эканини биласизми? Дилингиз тугён уриб турса, тилингиз гапирай- гапирай деб сиздан изи сўраса... сукут сақлашга мажбурлик нақадар оғир иш-а? Бир гапирган бир бор, кўп гапирган кўп бор янглишади, дейишади. Мен эса гапирмай, кимларнидир гапиртирмай туролмайман. Шуниг учунми, сизнинг ёшингизда эканимда бува ва бувиларим, ота- онам ҳам мени ахборотчи қизим, дейишарди. Бир гапни эшитдимми, бошқаларга эшиттирмай қўямасимдандир бу? Ҳаяжонимни, янгилигу яхшилигимни яшира олмасимдандир бу? Лекин мен ҳам сўз айтилмасам- менинг асирим, айтилдими, энди унга асир бўлиб қолишим мумкинлигини яхши ҳис қилардим ва айтар сўзни айтиб, айтмас сўздан қайтиб, йўт-ей, худди ўша сўзларни ўзимнинг сирдош - кўк дафтаримга битиб қўярдим. Эски жавон олдида ўтириб, болалигим ҳамроҳи кўк дафтаримни топиб олдим. Сиеҳи ўттиз йил ўтса-да ўчмаган, варақлари айтарли сарғаймаган садоқатли кўк дафтаримни!

Улардан айрим саҳифаларни сизга таништираман. Таътил кунларида ўқиб, менинг болалик кечинмаларимга ошно бўлсангиз ва бу ошнолик сизнинг ҳам қўлингизга қоғоз ва қалам тутиб, қалб кечинмаларингизни ёзиш имконини берса, беҳад шод бўлардим. Қолаверса, кимдир қизиқиб- қизиқмай эшитган гапларингизни кўк дафтарлар индамай бағрига жо қилаверадилар!



Бу дунёнинг роҳи кўп,  
Савоби, гуноҳи кўп,  
Огоҳи, гумроҳи кўп,  
Алла-ё, болам, алла,  
Алвон ол лолам, алла.

Долғалар бор йўлингда,  
Тақдир хати- қўлингда,  
Хавф-хатар ўнг-сўлингда,  
Алла-ё, болам, алла,  
Алвон ол лолам, алла.

Ҳаётнинг шафқати йўқ,  
Кўнглинг биздан бўлмай тўқ,  
Умр учгай мисли ўқ,  
Алла-ё, болам, алла,  
Алвон ол лолам, алла.

Ибрат олгил бизлардан,  
Доно, ҳикмат сўзлардан,  
Боргил қутлуг излардан,  
Алла-ё, болам, алла,  
Алвон ол лолам, алла.

Гар дунё меҳрга зор,  
Кўнгил қўймоқлик бекор,  
Ҳақ йўлдан чиқма зинҳор,  
Алла-ё, болам, алла,  
Алвон ол лолам, алла.


Танимдан зуволамсан,  
Полапоним, боламсан,  
Ҳеч тенгги йўқ оламсан,  
Алла-ё, болам, алла,  
Алвон ол лолам, алла.

Йўлларинг бўлмай равон,  
Ошгил минг битта давон,

Бразилия футболчи, унинг мажоратли ўйинчилари... деган сўзлар худди ифтиҳоримиз- «Ўзбекистоннинг оқ олтинлари»... деган сўзлар билан тенг жаранглайди-я! Мен эса бундан ҳавасланиб, бразилиялик тенг-

## ФУТБОЛЧИНИНГ "ФУТБОЛЧИ"

дошла- римга ҳасадланиб яшайман. Нега дейсизми? Бўлмасам эшитинг:



Ярим тунда телевизорни ўчиришди. Кўшнлар уйимиздан бошларини сарак-сарак қилиб, кимнидир ютқазгани-ю, бразилия футболчиларининг ютгани ҳақида гапириб, бизнинг ҳам шунақа - «Пахтакор»чиларимиз бўлса эди, деб чиқиб кетишди. Мен «қиз бола футболга қизиқиши шарт эмас, ундан кўра қозонтовоққа уннасин», - деганлари учун уйдагилардан оғиз жуфтлаб пахтакор- футболчи акаларимга аталганми бу гап ёки: «оқ олтин» бунёдкорларига деб сўрай олмадим ва ҳозиргина сув тўлдирилган ойна орқасидан хонадонимизга минглаб одамларнинг ҳаяжонини олиб кирган кичик экранли телевизоримиз олдида ўтирган кўшнларимиз гапини

хаёлимдан ўтказдим:

-Бразилиянинг машҳур футболчиси -шу! Кўрдингми майкасини, БРАЗИЛИЯ деб ёзилган-а?

Палончи футболчи охириги ўйиндан чиқиб кетаётганида тер ва кирдан қорайиб кетган шу майканинг ёзувини кўзларига суртиб, юм-юм йиғлаганди!

-Сиз футболни тарк этаётгандаги йиғлашини айтаяпсиз. Аслида ҳар бир футболчи юртининг номи битилган ёзувни ўпиб, сўнг кияди майкасини!

-Бразилиянинг ёш футболчиси ҳам, қариси ҳам шундай ёзувли майка кийсам, Бразилия номи остида тўп сурсам дер экан-ку!..

Уйни йиғиштириб, эшик ва ромларни оча туриб, кийган кўйлагимга қарадим: русларники.

Оёғимдаги шиппагим - чехларники. Рўмолим - арабларники. Кўчага чиқсам япон пальтом, немисча пиджагим - хуллас хорижларда ишланган энгил бошим-бор! Футболчиларимиз ҳам хорижий кийимда «Пахтакор» деган ёзув билан майдонга тушишса керак...

Менимча, оппоқ ятакка ўзбегона тамга ёпиштириб, Ўзбекистон номи учун тўп суришса зўр бўларди-да!

## Мен гаплашадиган кўк дафтар

Саҳифа шу ерда тутаган. Демак, болалик кўзи билан ўз сўзимни айтганман. Аммо бу сўзни матбуотда айтиб бўлмасди. Чунки мустақил эмасдик-да! Кимларгадир қарам, кимларгадир «боқиманда» эдик. Аслида оқ олтинимиз - ифтиҳоримиз, олтин бошоқларимиз, ўз ноиларимиз бўлса-да, нега уларни ўзимизники дейлмадик? Сабаби- пахтамик ўзимизнинг қуёшли юртимизда ўсиб, қор кўп ёғадиган шаҳарларда матога айланарди. Дони- миз ҳам қаердадир ун бўлиб, темир рудаларимиз бошқа мамлакатларда турли машиналарга айланарди. Майли, бу ҳақда ака ва опаларингиздан кўп эшитгансиз. Лекин менда катталар учун спортчиларимизга имконият яратиб, уларни жаҳонга олиб чиқаётган, спортни санъат даражасига кўтариб, олам одамларини мафтун қилаётганлар учун ҳамон ўша савол қўйдаланг турибди.:

-Нега ўзбек футболчилари хориж майкаларини кийиб, унга ўзбек тамғасини ёпиштириб майдонга тушишяпти? Боболаримиз кийган оқ яхтак ёки беқасаму банорас чопонлар қандай чиройли-а? Унинг чиройини ҳам кўз-кўз қилар пайт келди-ку!

-Мақтаб ўқувчилари жисмоний тарбия дарсида хорижда ёки хорижона ишланган спорт кийими кийиб юриши шартми?

-Қачон қуёшли юртимизга мос ҳолда ўзимизнинг оқ пахтадан тайёрланган ўзбекона ятакларини урф қилишади? Уларга чиройли тамгалар тукиб, спорт зал ва майдончаларини тўлдиришса, қаерда бўлишмасин дарҳол ўзимизники эканликларини ажратиб оламиз-ку! Сиз нима деб ўйлайсиз?

Умида АБДУАЗИМОВА.

## ЁҚАРСАН ЧИРОҒИМНИ...

То қиёмат бўл омон,  
Алла-ё, болам, алла,  
Алвон ол лолам, алла.

Ишқ ўтида куярсан,  
Қай парини суярсан,  
Эҳтиросни туярсан,  
Алла-ё, болам, алла,  
Алвон ол лолам, алла.

Гар одми оддий зотинг,  
Элда туз бўлмай отинг,  
Дўсту ёр - қўш қанотинг,  
Алла-ё, болам, алла,  
Алвон ол лолам, алла.

Унутма ҳеч, жон болам,  
Олимники бу олам.  
Имон, виждонинг - аълам!  
Алла-ё, болам, алла,  
Алвон ол лолам, алла.

Нафсу таъма оғзин ёп,  
Қаноатда нажот топ,  
Умрбод ҳамроҳ китоб,  
Алла-ё, болам, алла,  
Алвон ол лолам, алла.

Дунё кенг қарвонсарой,  
Ўткинчи ёшлик-чирой,  
Фурсатни бермагил бой,  
Алла-ё, болам, алла,  
Алвон ол лолам, алла.

Ёпарсан чароғимни,  
Ёқарсан чироғимни,  
Тақарсан яроғимни,  
Алла-ё, болам, алла,  
Алвон ол лолам, алла.

Дард-аламдан бўл йироқ,  
Ҳасаддан кечгил бироқ,  
Қанотинг бўлмай Буроқ,  
Алла-ё, болам, алла,  
Алвон ол лолам, алла.

Марҳумларни этиб ёд,  
Рухларини қилсанг шод,  
Минг бир мушқулинг кушод,  
Алла-ё, болам, алла,  
Алвон ол лолам, алла.

Ёр бўлмай десанг омад,  
Инояти беадад,  
Оллоҳдан тила мадад,  
Алла-ё, болам, алла,  
Алвон ол лолам, алла.



## Оталар айтар алла

Ёндошма ёмон билан,  
Ёвлашма замон билан,  
Довлашма нодон билан,  
Алла-ё, болам, алла,  
Алвон ол лолам, алла.

Инжитма қалб қушингни,  
Йўқотма ҳеч хушингни,  
Ҳалол е нон-ошингни,  
Алла-ё, болам, алла,  
Алвон ол лолам, алла.

Қалбинг даъватин тингла,  
Ҳаёт ҳикматин англа,  
Тангрим, ишини ўнгла!  
Алла-ё, болам, алла,  
Алвон ол лолам, алла.

Умидим сендан фақат,  
Шубҳа-гумоним тарқат,  
Фазлинг меҳру-оқибат,  
Алла-ё, болам, алла,  
Алвон ол лолам, алла.

Пирлар мададкор бўлмай,  
Қасд қилганлар хор бўлмай,  
Худо мудом ёр бўлмай,  
Алла-ё, болам, алла,  
Алвон ол лолам, алла.

Абдул ҲАМИД.

Давоми. Боши ўтган сонларда

**ШОГИРД РУҲИЙ  
ОЛАМИНИНГ  
МУҲИМ ЗАМИНИ**

- \* ўртоқлик,
- \* дўстлик,
- \* ҳамкорлик,
- \* ҳамжихатлик,
- \* садоқат,
- \* меҳр-мурувватлилик,
- \* касб танлаш имконияти,
- \* ватанпарварлик,
- \* миллий ифтихор,
- \* инсонпарварлик,
- \* хушмуомалалик,
- \* озодалик,
- \* покизалик,
- \* самимийлик,
- \* зийраклик,
- \* ташаббускорлик,
- \* инсофлилик,
- \* ростгўйлик,
- \* ороу-номуслик,
- \* ҳамжихатбарорлик,
- \* андишалик,
- \* катталарни ҳурмат қилиш,
- \* соф муҳаббатни қадрлаш,
- \* вазминлик,
- \* тўғрилиқ,
- \* байналминалчилик,
- \* устозини ҳурматлаш,
- \* ота-онасини ҳурматлаш.

**ШОГИРДНИНГ  
ИНТИЗОМИ**

Шогирд интизомли бўлмоғи лозим. Интизом деганда нимани тушунамиз? Агар ер юзида интизом бўлмаса эди, инсонлар бир дақиқа яшай олмас эдилар...

Интизомли шогирдга одат ва тартиблар шаклланган бўлади. У устахонасида ёки оилада бўладими, берилган вазифа ва топшириқларни ўз вақтида бажаради. Интизом ҳар бир шогирднинг феъл-атворини кўрсатади.

Қадимда ота-боболаримиз интизомга катта аҳамият бериб, ўз шогирдларидан интизомни талаб қилганлар.

Шогирд агар интизомли бўлса, қуйидагиларга эришади:

- турмуш қоидаларига онгли равишда муносабатда бўлади;  
- вазифаларга ва топшириқларга масъулият билан қарайди;

- меҳнатдан қочмайди;  
- олдига қўйган мақсадларига эришади;

- мустақил бўлишга ва номаъқул ишларга берилмасликка қарши кураша олади;

- ўз ҳаётига, хунарига ҳамда вазифаларига масъулият билан қарашга эришади.

- ўз обрўсини йўқотмайди;

- тўғри сўзлайди;

- хунарни сир-асрорларини қиймега етказиб ўрганади;

- Ҳар бир шогирднинг кўчага чиқиш одоби бордир. Кўчага чиққач, оҳиста, шошилмай ортиқча кеккаймай, букчаймай, йўл чеккасида юриш жозидир. Йўлда учраган танишларга: «Ассалому алайкум», деб салом беради.

Асрол МУХТОРОВ, Ўзбекистон халқ устаси.

**ШОГИРДЛИК ОДОБИ**

Биринчи: ўз ишига яхши муносабатда бўлиш, яъни ўз касбини севиш.

Иккинчи: ўз ишига эътиқод қўйиш ва унга ишониш.

Учинчи: устоз олдида хоксор бўлиш, ўз одатларини тарк этиш.

Тўртинчи: кўриш лозим бўлмаган ҳамма нарсалардан нигоҳини олиб қочиш.

Бешинчи: эшитиш мумкин бўлмаган барча нарсаларга кулоқ солмаслик.

Олтинчи: барча нолойиқ ишлардан қўл тортиш.

Еттинчи: устозига зид бўлган кишилар билан муомала қилмаслик.

**ШОГИРДНИНГ ЭНГ ЯХШИ ХИСЛАТИ**

Поклик.

Хусайн Воиз Кошифий шогирд одоби ҳақида яна шундай дейди: - Устоз қабулига кирганда ёки устозини кўрганда, биринчи бўлиб салом бериш. - Устознинг олдида оз гапириш ва бошни олдинга эгиб туриш, кўзни ҳар томонга югуртмаслик. Агар гап сўрамоқчи бўлса, олдин устоздан ижозат олиш. - Устоз жавоб айтганда, эътироз билдирмаслик. - Устоз олдида бошқаларни гийбат қилмаслик. - Ўтириб-туришда ҳурматни тўлиқ сақлаш.

**ШОГИРДНИНГ УСТОЗ ОЛДИДАГИ БУРЧ ВА  
ВАЗИФАЛАРИ**

1. Устозга итоатли бўлиш.
2. Устоз анъаналарини давомчиси бўлиш.
3. Устоз анаъаналарига садоқатли бўлиши.
4. Устознинг панд-насиҳатларига риоя қилиш.
5. Устозга тақлид қилиш.
6. Сабр-тоқатли бўлиши.
7. Иродали бўлиши.
8. Устоз юзини ерга қаратмаслик, аксинча унинг обрўсини кўтариш.
9. Устози шаънига илиқ сўзлар олиб келиш.
10. Устознинг душмани билан дўст тутинмаслик.
11. Устознинг оила аъзоларини ҳурмат қилиш.
12. Устознинг қариндош-уруғларини ҳурмат қилиш.
13. Устознинг руҳсатисиз ҳеч нарсага қўл текизмаслик.
14. Бировнинг нарсасига кўз олайтирмаслик.
15. Устозига чексиз ҳурмат билан муносабатда бўлиш.

**ШОГИРДНИНГ МЕҲНАТСЕВАРЛИГИ**

Шогирднинг яхши фазилатларидан бири меҳнатсеварликдир. У доимий изланишда, санъат сирларини астойдил эгаллашга интилади. Шогирд меҳнатни севмаса уста бўла олмайди. Чунки «Меҳнат, меҳнатнинг таги роҳат» дейди халқимиз. Шогирд санъат сирларини, жамики бойликларини меҳнат орқали ўрганади ва топади. Шунинг учун ҳам уста ўз шогирдларини меҳнатсеварлик руҳида тарбиялайди.

Ганчкор Маҳмуд Усмонов отаси Мирусмон Икромов ҳақида шундай эслайди: «Отам ўзига тўқроқ қариндошимизникига хунарга борганларида устоз бўлмиш устани меҳмонхона деворларига ганчгул ўяётганларида кўриб, санъатидан ҳайратланган ва меҳрлари тушган экан. Шунда устадан шогирдликка муносиб кўришларини илтимос қилибдилар. Уста синовдан ўтказганидан кейин розилик билдирибди. Баҳор пайти экан, бир куни устозлари: «Эртага бокқа бориб, бир дам олиб келамиз», деб тақлиф қилибдилар. Боришса, ток ҳали очилмаган, бутун боғни ўт қоплаган, деворнинг айрим жойлари нурай бошлабди. Отам токни очиб, ерни чопиб, тез кунда кўркам қилиб қўйибдилар. Қўлидан ишини олган шогирдини кўрган устанинг меҳри товланибди, фарзандларидан ҳам яхши кўриб қолибди.

Устозларга ташаккур

**ШОГИРДНИНГ  
САБРЛИЛИГИ**

Қадимда хунари ўрганиш ўта машаққатли бўлган. Шогирд ўз устози томонидан минг бир чиғирикдан ўтган. Ҳар қандай хунари-мандчилик иши ўта сабр-тоқатли бўлишни тақозо этган.

Устага шогирд тушган болалар ёки қизларни хунари ўргатишда маълум муддатда синаганлар. Яъни, шогирд хунарни ўрганишда қийинчиликларга сабр қила оладими ёки йўқми? Агар шогирд сабрли бўлиб, ҳар қандай қийинчиликларга бардош берса, устоз бу шогирдга хунари ўрганишни чин дилдан давом эттиради. Аксинча, шогирд сабрсиз бўлса, бундай шогирддан устоз жуда қийналади, ҳаттоки унга жавобини бериб юборади.

Шогирд хунари ўрганишнинг азобларига ҳам, унинг синов ва имтиҳонларига ҳам тоқат билан жавоб берса, шу хунари қиймега етказилади. Бирор хунари ўрганишдан, бирон ишни қилишдан олдин асло шошилмаслик лозим.

Сабр ҳақида Шайх Умар билан Усмон Маккий шундай деган эди: «Сабр удурки, банда ўз ихтиёрини ҳудога ташлагай ва ҳар турли бало келса, хушлик ҳамда ризолик билан қабул қилгай».

**САБР ҲАҚИДА  
ХАЛҚ МАҚОЛЛАРИ**

Сабр - умр хазинаси.  
Сабр тоғни йиқитар.  
Сабр таги сариқ олтин.  
Сабр билан чиқар отинг.  
Сабр таги - раҳмон.  
Шошган иши шайтон.  
Сабр - муваффақият қалити.  
Сабр билан меҳнат қилган бой бўлар.  
Сабр - аччиқ, меваси - ширин.  
Сабр - шодлик қалити.  
Сабр қилган етар муродга.  
Бесабр қолар уятга.

Давоми бор.

Мен бувижонимни жуда яхши кўраман. Ҳамма ҳам бувисини яхши кўради, дерсиз. Йўқ, мен жуда бошқача, ҳаммадан ҳам кўра кўпроқ яхши кўраман. Шундай меҳрибон, чевар, пазанда бувижонимни яхши кўрмай бўладими ахир? Ёзги таътил кунларимни асосан бувимларникида ўтказаман. Улар менга бичиш-тикиш, турли хил миллий таомлар тайёрлаш, уй-жойларни саришта туттиш, катталар билан саломлашниш одоби, меҳмон кутиш, оппоқ сочиқ туттиш сингари қиз болаларга хос бўлган фазилатларни ўргатадилар. «Кўмаклашганинг менга фойда бўлса, ўрганганинг ўзингники», дея насиҳат қиладилар.

Кечкурунлари эса ҳовлидаги супага ўрин соламан. Очиқ ҳавода, юлдузлар тўла осмонга термулиб ётишнинг гашти бўлакча. Бувижоним келиб ёнимга ётишлари билан эртақ айтиб беринг, дея ҳоли-жониларига қўймайман. Чунки бувижоним ривоят эртақка жуда усталар-да. Лекин..

*Бувижоним усталар,  
Топишмоғу эртақка.  
Аммо энг қизиқ жойдан,  
Уланади хурракка.*

*-Кейинчи, кейин нима бўлибди?,-дея уйғотаман уларни. Эртақнинг яқинини эшитмагунча уйқум келмайди-да, ахир. Бувижонимдан эшитган эртақларимдан иккитасини сизларга ҳам сўзлаб бермоқчиман.*


билан ночоргина яшашар экан. Меҳмонларни кутиб олиш учун ўз ҳолича тараддулланибди. Топган-тутганини дастурхонга қўйибди. Меҳмонларни қўйишдан тайёрланган шўрва, ўзи ёпган иссиққина патирлар билан сийлабди. Зиёфатдан сўнг шаҳзода қиздан жумбоқли жавобининг изоҳини сўрабди.

-Бир бўғоз қўйимиз бор эди. Сизнинг келишингизга агар тополсам битта қўчқор, тополмасам, ана шу бўғоз қўйимизни сўйдираман, дегандим холос,-деб жавоб берибди қиз.

Шаҳзода ўтинчи қизнинг ақлу фаросатига, донолиги-ю пазандалигига яна бир бор тан бериб, эртаси куниёқ унга совчи юборибди. Қирқ кеча-ю қирқ кундуз тўй қилиб, муроду мақсадига етибди.

### БИР ҚОП ТУЗ ВА ҚОЗОН

Яна шу мамлакатнинг подшоҳи бир куни ўз под-



шолигидаги барча ошпазларни бир ерга жамлаб, қуйидагича топшириқ берибди:

-Ҳар бирингизга бир қопдан туз бераман. Ана шу тузнинг ҳаммасини қозонга солиб, менга бир таом тайёрлаб берингларки, мен ўша таомга яна туз сепиб ей. Бу ишнинг удласидан чиққан одамга бўйи баробар олтин бераман,-дебди. Бунинг учун бир кун муҳлат берибди.

Ошпазлар ўйга толишибди, тунни бедор ўтказишибди. Лекин мияларига бир жўяли бир фикр келмабди. Эртаси куни подшонинг ҳузурига қуруқ қўл билан келишибди. Уларнинг орасида ҳасасига таяниб, базўр юрадиган кекса бир ошпаз ҳам бор экан. Ўша чол бир қўлида ҳасаси, иккинчи қўлида икки дона қайнатилган тухум тутганча подшонинг қаршисида тиз чўкибди:

-Мана подшоҳи олам, таомингиз тайёр бўлди. Сизга ёқимли иштаҳа тилайман,-дея тухум билан туз узатибди.

Подшоҳ ўз ваъдасига вафо қилиб, уни бўйи баробар олтин билан тақдирлабди.

*Наргиза ЖАЛИЛОВА,  
Собир Раҳимов туманидаги  
249-мактабнинг 7-синф  
ўқувчиси.*



### ТОПСАНГ БИТТА, ТОПМАСАНГ ИККИТА...

Жуда қадим замонда, номаълум бир томонда аллақайси подшоликда ажойибу фаройиб воқеалар содир бўлиб турар экан. Шу мамлакат подшосининг якка-ю ёлғиз ўғли бор экан. Шаҳзода жуда келишган, ақлу фаросатда тенги йўқ экан.

Бир куни шаҳзода мулозимлари билан овга чиқибди. Ови бароридан келиб, анча-мунча ўлжалар билан саройга қайтишаётган экан, тўсатдан қаттиқ ёмғир ёғиб юборибди. Панароқ жойга ўтиб, ёмғирнинг тинишини кутишдан ўзга чоралари қолмабди. Шунда уларнинг кўзи ўрмондан ўтин териб чиқаётган қизларга тушибди. Улардан бири ўзини кекса қайрағоч панасига олиб, ўтинининг устига нимчасини ёпиб қўйибдида, ёмғирнинг тинишини кута бошлабди. Қолганлари эса чопачопа уйлариغا ошиқишибди.

Бу ҳолдан таажжубланган шаҳзода қиздан:

-Нима учун сен ҳам дугонала-

ринг билан бирга кетавермадинг?-деб сўрабди.

-Менинг ҳозир кийим-бошларим ҳўл бўляпти холос, ўтиним эса қуп-қуруқ. Уйга бориб ўтинимни ёқаманда, овқатни ҳам пишираман, кийимларимни ҳам қуригиб оламан. Дугоналаримнинг эса усти-бошлари ҳам, ўтинлари ҳам ҳўл бўлиб кетяпти,-деб жавоб берибди қиз.

Қизнинг зукколигига тан берган шаҳзода «Фалон куни уйингга меҳмонга борамиз. Бизни нима билан сийлайсан?»-деб сўрабди.

-Топсам битта, тополмасам иккита қўй сўяман, келаверинглар, бош устига,-дебди қиз майин жилмайиб.

Унинг жумбоқли жавоби шаҳзода яна ўйга толдирибди. Белгиланган кунни тоқатсизлик билан кута бошлабди. Ниҳоят ўша кун келибди. Шаҳзода барвақт туриб, қизнинг уйига отланибди.

Ўтинчи қиз кекса отаси

### ТАБИЙ ГАЗ МУАММОСИ

Пешқўрғон қишлоғимизда газ етишмаслиги бизни кўп уйлантиради. Фақатгина бизнинг Пешқўрғон қишлоғимиздагина эмас, балки ён-атрофдаги қишлоқларда ҳам газ етишмаслиги анчадан буён бизни қийнаб келади. Қишлоғимиздаги кишилар далада меҳнат қиладилар. Айниқса, оналаримизга қараб туриб ачиниб кетамиз. Чунки оналаримиз далага чиқиб, бир дона чўп бўлса ҳам олиб келиш мақсадида эртаю кеч тинмай меҳнат қиладилар. Бўш вақтларида эса фарзандлари билан бирга тезак қилишади. Ҳеч қачон дам олишганини кўрмаймиз. Онажонларимизга жуда раҳимиз келади. Қани энди имконият бўлсаю қишлоғимизга табиий газ келса. Биз дугонам билан қатга бўлсак, табиий газни биз томонга олиб келиш чорасини топмоқчимиз. Шунда оналаримизнинг оғири енгил бўлади. Улар ҳам бўш вақтларини маданий дам олиш билан ўтказишади.

*Гулмира СОТИБОЛДИЕВА,  
Нозима СУЛТОНОВА,  
Наманган вилояти, Чортоқ туманидаги  
31-мактаб ўқувчилари.*



### ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛАЙЛИК

Атроф муҳитни муҳофаза қилиш ҳаммамизнинг бурчимиз. Бунинг учун аввало ўзимизнинг яшаб турган қишлоқ, шаҳар ва қолаверса билим даргоҳимиз бўлмиш мактабимизни, уйимиз ва атрофимизни озода тутмоғимиз лозим. Қизлар шанбаликлар уюштириб, теваракни супуриб сидирсалар, йигитлар ерларни чопиб, дарахтларни оқласалар она табиат биздан қувонган бўларди.

Ҳаво ва сув ифлосланишига нималар сабаб бўлади? Биринчидан, завод ва фабрикалардан чиқаётган заҳарли газлар; иккинчидан, далаларда бир қисми заҳарли моддаларга тўйинган оқава сувлар келиб яна дарёга тушади; учинчидан, кузда хазонларни ёқиб юборишдан; тўртинчидан, дарёларга ҳар хил чиқинди ахлатларни ташлашдан; бешинчидан, одамларнинг чекаётган сигареталаридан ҳам ҳаво бузилиши мумкин. Бу масалаларни одамларнинг ўзлари ҳал қилса бўлади. Бунинг учун завод ва фабрикалар қувурларига филтрловчи мослама ўрнатилиш керак. Биз ёшлар яшаб турган шаҳар ва қишлоқларнинг осмони мусаффо, табиати гўзал, сўлим бўлишида ёрдам беришимиз керак. Бунинг учун ўз навбатида ҳозирдан кўчаларга ҳар хил мевали кўчатларни экишимиз лозим. Бу ҳам бизнинг қўшган ҳиссамиздан бири бўлади. Чунки шу эккан кўчатлар ҳаводаги ҳар хил заҳарли газларни тозалайди. Бизга эса мевасини беради. Халқимиз табиат бойликларини кўз қорачигидай қадрлай оладиган ер ва сув ўсимликларини жондан ортиқ кўрувчи инсонлардир. Ўзбекистонда табиатни муҳофаза қилишга алоҳида эътибор берилмоқда. Табиатни муҳофаза қилиш, жамият ўртасида экологик тарбия олиб бориш учун табиатни ўрганиш ва уни қўриқлаш лозим. Ҳар бир инсон табиатни эъзозлаши керак.

*Хилола САЛАЕВА,  
ўқувчи*

**-Шеркўзи ака, санъат соҳасига кириб келишингиз тарихи ҳақида сўзлаб берсангиз?**

-Болалигимда Маъмуржон Узоқовнинг ашулаларини севиб эшитардим. 9-11 ёшимда дорда ўйнаганман. 9 ёшимда эса Юсуфжон Қизиқ билан учрашганман. Шу пайтлар Ўзбекистонда Раж Капур ижро этган «Жаноб 420» ҳамда «Дайди» ҳинд фильмлари намойиш этилаётган эди. Бу фильм ўзбек халқининг дилидан чуқур ўрин олган, шу қаторда менинг дилимдан ҳам. Мана шу ёшимдан юрагим санъатга яраланди ва менда санъатга бўлган қизиқиш туғилди. Инсон болалигида нимаики орзу қилса, ўшанга эришаркан. Мен ёшлигимда кечалари билан уйқусиз чиқардим. Хаёлимда тезроқ катта бўлсаму ўзимнинг дастамни тузсам, Ҳиндистонга борсам, деган ўйлар ўтарди. Ва ниҳоят, 1990 йил 9 сентябрда орзуларим ушалди. Бу орзулар не-не меҳнатларим, изланишларим эвазига ушалди. Яъни Раж Капурнинг хотира кунига бағишланган «Хотира кечаси» га мени ҳам таклиф этишди. Мен у ерда Раж Капурнинг

«Сангам» фильмидаги «Бол Ратха, Бол Сангам» кўшигини ижро этдим. Ўша кундан бошлаб «Ўзбекистонлик Раж Капур» номи-ни олдим.

**-Сизнинг болалик даврингиз қандай ўтган?**

Болалигимда мен жуда юввош бўлганман. Бировнинг юзига қараб туролмасдим. Қараб қолсам ҳам кўзимдан ёш чиқиб кетарди. Мактабда эсарус тили ва тарих фанидан яхши ўқимаганман. Қолган ҳамма дарслардан «5» баҳо олардим. Мен математика, физика, химия фанларига жуда қизиқардим. Ёшлигимда ўртоқларим билан бизнинг уйда спектаклларни сахналаштириб, маҳалламиз болаларига кўйиб берардик. Хуллас, болалигим зўр ўтган. Болалик давримдан афсусланмайман.

**-Ҳозирги кунда мухлисларимиз учун қандай фильмлар яратаяпсизлар?**

-Биз Ҳиндистон билан ҳамкорликда сценарий муаллифи ва режиссёр Фарҳод Ҳайдаров бошчилигида «Шерхан тракторчи» кинокомедиясини суратга оляпмиз. Бунда мен бош роль - Шерхонни ўйнапман. Иккинчи бош роль - Ҳиндистонлик

машҳур кўшиқчи Вина Бхандари Наргизни ижро этмоқда. Ҳиндистонлик раққоса қиз Саритапури ўзбек қизи Озода ро-

# ЎЗБЕКНИНГ "РАЖ КАПУР"И

лини ижро этяпти. Бу фильм 4 қисмдан иборат. 1-қисми тасвирга олиб тугатилди ва уни Мустақиллик байрами арафасида мухлисларимизга ҳавола этиш ниятимиз бор. Фильмдаги кўшиқларни ўзим ижро этганман.



*Шеркўзи Ғозиев-1950 йил Фарғона вилоятида таваллуд топган. Аввал Театр ва Рассомчилик Санъат Институтининг Актёрлик факультетини, сўнг ҳозирги Тошкент Давлат Миллий Университетининг Юридик факультетини тамомлаган. Оилали. Турмуш ўртоғи Зебохон уй бекаси. Икки қизу икки ўғилнинг отаси, тўрт неваранинг бобоси. Севган таоми- чўзма лағмон ва ош. Ёқтирган ранги-яшил, сариқ ҳамда ҳаворанг. Бўш вақтида шеър ёзишни, кино кўришни ва янги мусиқа яратишни ёқтиради.*

Рихсивой Муҳаммаджонов билан бирга «Ўзбекистонлик Раж Капур» фильмини ёзганмиз. Раж Капур фильм студияси билан ҳамкор-

ликда режиссёр Рандхир Капур томонидан тасвирга туширишдир. Бу фильмнинг мазмуни асосан, бир ўзбек йигити Ҳиндистонга бориб қолиб, ўз кўшиқлари билан супер юлдуз бўлиб кетди.

**-Болажонларга тилакларингиз?**

-Мени ёш дўстларимга тилакларим, маслаҳатим, ёшлигидан бир нарсани орзу қилишсин. Улар ҳам катта бўлганларида албатта шу ниятларига етадилар. Бунинг учун аввало ўзлари ҳаракат қилишлари керак.

Шунингдек уларга ҳаётларида омадлар тилаб қоламан.

**-Сухбатингиз учун раҳмат. Бизлар ҳам сизнинг ишларингизда омадлар тилаб қоламиз.**

Нигора  
МИРЗАМУҲАМЕДОВА  
суҳбатлашди.



## ИНГЛИЗ МАҚОЛЛАРИНИ ЁД ОЛИНГ - English proverbs for learning by heart

1. East or west, home is best - Ўз уйим-ўлан тўшагим.
2. First think, then speak - Аввал ўйла, кейин сўйла.
3. Never put off till tomorrow what you can do today - Бугунги ишни эртага қўйма.
4. Easy to say than to do - Гапириш осон, бажариш қийин.
5. Everything is good in its season - Ҳамма нарса ўз вақтида қадрлидир.
6. Everything comes to him who waits - Сабр таги сариқ олтин.

## РАНГЛАР-COLOURS

- What colour is it? - Бу қанақа ранг?
- White - Оқ
  - Black - Қора
  - Yellow - Сариқ
  - Red - Қизил
  - Green - Яшил
  - Blue - Ҳаворанг
  - Gold - Тилларанг
  - Brown - Жигарранг
  - Grey - Кулранг
  - Silver - Кумуш

## ИНГЛИЗ ТИЛИ - СИЗ УЧУН ENGLISH FOR YOU

- Light red - Оч қизил
- Light brown - Оч жигарранг
- Dark green - Тўқ яшил
- Bronze - Бронзаранг
- Violet - Сиёҳранг

## СИНОНИМ СЎЗЛАРНИ ЁД ОЛИНГ

- Hotel, inn, lodge - Меҳмонхона
- Ship, vessel, boat - Кема
- Release, free, rescue - Кутқармоқ, озод қилмоқ
- Destroy, eradicate, exterminate - Вайрон қилмоқ, йўқ қилмоқ
- To go on, to go ahead, to begin, to start - Бошламоқ
- Choose, select, qualify - Танламоқ, сараламоқ
- To hug, to embrace - Кучоқламоқ
- Enjoy, to have a fun, to be glad - Хурсанд бўлмоқ, роҳатланмоқ.

## КИНОДА - AT THE CINEMA

What kind of movie is showing (going) on at the cinema this week? -

- Бу ҳафта кинотеатрда қандай кинофильм намойиш этилаяпти?
- Drama - Драма
- Comedy - Комедия
- Thriller - Ўткир сюжетли фильм
- Western - Фарбга хос, Ковбойлар ҳақида
- Musical - Мюзикл, мусиқий фильм
- Horror, Hairraiser - Даҳшатли фильм
- Fantastic - Фантастик жанрдаги фильм
- Historical - Тарихий фильм
- Documental - Ҳужжатли фильм
- Tragical - Фожеавий фильм.

## ГРАММАТИКА ДАРСИ

- Инглиз тилидаги кишилик олмошлари:
- Мен - I
  - Сен - You
  - У - He (эркакларга), She (аёлларга)
  - Биз - We

- Сиз - You
- Улар - They
- ЭГАЛИК ОЛМОШЛАРИ:**
- Менинг - My
  - Сенинг - Your
  - Унинг - His (эркакларга), her (аёлларга)
  - Бизнинг - Our
  - Сизнинг - Your
  - Уларнинг - Their

## ЭГА БЎЛМОҚ, БОР БЎЛМОҚ феъли билан ифодаланадиган иборалар:

- To have breakfast - Нонушта қилмоқ
- To have lunch - Тушлик қилмоқ
- To have dinner - Кечки овқатни емоқ
- To have supper - Кечқурунги овқатни емоқ (Британия инглиз тилида)
- To have tea - Чой ичмоқ
- To have a good team - Яхши жамоага эга бўлмоқ
- To have a rest - Дам олмоқ
- To have a headache - Бош оғримок
- To have a toothache - Тиш оғримок

Шоҳруҳ КАРИМБЕКОВ тайёрлади.



# Билангдошларнинг шажоғи

## «ХУЛКАР»ДА НАЗМ ДАРСИ

Биз Бухоро вилояти, Гиждувон туманидаги 9-умумтаълим мактабида таҳсил оламиз. Мана икки йилдирки, мактабимизда ўз сафларига 25 нафар ижодкор ўқувчиларни жамлаган «Хулкар» ёш қаламкашлар тўғараги фаолият кўрсатиб келяпти. Унга ёш муаллим Нафиса Бобомуродова раҳбарлик қиладилар. Тўғарак машгулотларида ифодали ўқиш, шеър ёзиш техникаси, бадий ижод сирларидан сабоқ оламиз.

Машгулотларимиздан бирида устозимиз бошчилигида «шеърятнинг сеҳрли олами» га саёҳат қилдик. Тўғаракимиз аъзолари ўз шеърий машқларидан ўқиб бердилар. Улардан айримларини сиз ҳам ўқиб кўринг ва ижодимиз-иқболимизга хулоса чиқаринг.

## МЕН ЭККАН НИХОЛ

Бир кун эрта баҳорда,  
Боғимга экдим ниҳол.  
Қуриб қолмасин дея  
Сув қуйдим унга дарҳол.

Келаси йил баҳорда,  
Ниҳолча очди куртак.  
Ёлғиз зерикмасин деб,  
Ўқидим унга эртақ.

Яна бир йил оралаб  
Ҳайратда қолдим чунон.  
Миттигина ниҳолчам  
Мева тугибди гўлгон.

Оппоқ, майин, ҳам нафис,  
Ниҳолчамнинг гуллари.  
Менга «рахмат» дегандек,  
Силкинади «қўллари».

Азиза Жўраева,  
8-«В» синф ўқувчиси.

## ДАДАЖОНИМГА

Соғлом тишлар, бардам юраклар,  
Сизга тилар юксак тилаклар.  
Айтиб беринг менга эртақлар,  
Суюнчигим, жоним дадажон.

Сиздан олсам арзийди ўрнак,  
Шифокорсиз, халқимга керак.  
Тишларимга ҳеч гапмас курмак,  
Сиз бўлсангиз доим дадажон.

Лазизжон Мўминов,  
8-«В» синф ўқувчиси.

## АЛЛА

Алладир ҳаётда севимли кўшиқ,  
Оналар куйлайди юракдан жўшиб.  
Боласин умрига умрлар тилар,  
Аллага дилдаги ниятин кўшиб.

Бу қандай синоат, мен билолмадим,  
Таърифига сўзлар топа олмадим.  
Аллалар эшитиб, ўсиб-улгайдим,  
Дард чексам, аллани тинглаб

соғайдим.  
Умида Нарзуллаева,  
6-«А» синф ўқувчиси.

Ўзбекистон  
болалари ва  
ўсмирларининг  
газетаси

Муассислар:  
ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ  
ДАВЛАТ МАТБУОТ  
ҚЎМИТАСИ,  
ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ  
ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ,  
«СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН»  
ХАЙРИЯ ЖАМФАРМАСИ

БОШ МУҲАРРИР:  
Умида  
АБДУАЗИМОВА

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:  
Шўхрат АҲМЕДОВ,  
Йўлдош САИДЖОНОВ,  
Ойниса МУСУРМОНОВА,  
Хотам АБДУРАИМОВ,  
Мукаррама МУРОДОВА,  
Суннатилла ҚЎЗИЕВ,  
Эргашвой САРИҚОВ.

Ношир  
«Ijod dunyosi»  
нашриёт уйи

Ижарадаги Тошкент  
Матбаа комбинатида  
офсет усулида 39092  
нусада босилди. Ҳажми 2  
босма табоқ.  
Буюртма - К-8203  
Газетани  
Муҳаббат МАҲСУДОВА  
саҳифалади.  
Навбатчи:  
Муҳаррама ПИРМАТОВА.

Рўйхатдан ўтиш  
тартиби № 000137  
Манзилимиз 700129,  
Тошкент шаҳри,  
Навоий кўчаси, 30-уй.

Тел: 144-62-34.

Ўқув йилининг охири кунларида устозимиз ёзги таътилда бизларни Самарқанд шаҳрига саёҳатга олиб боришга ваъда берган эдилар. Сўзларининг устидан чиқиб, яқинда 2500 йиллик тарихга эга бўлган кўҳна Самарқандга саёҳатга отландик.

Сафаримизни ҳадисшунос олим Имом ал-Бухорий

мақбарасини зиёрат қилишдан бошладик. Мақбара ҳовлисидаги 550 ёшли кекса чинор соясида дам олиб, остидан сизиб чиқаётган

булок

сўвларидан қониб-қониб ичдик. Сўнгра Регистон меъморий мажмуасини ташкил қилувчи Улугбек, Тилла қори ва Шердор мадрасаларини томоша қилдик. Гўри Амир мақбарасига йўл олганимизда қалбимизни алланечўк ҳаяжон ҳисси қуршаб олганди. Дабдабали пештоқли даргоҳдан чорси ҳовлига ўтилар экан. Тўғрида улғвор гўмбазли мақбара. Унинг ўртасида Амир Темур, унинг ёнида ўғиллари Шоҳрўх, Мироншоҳ, набиралари Муҳаммад Султон, Улугбек ва бошқаларнинг қабр

тошлари. Соҳибқироннинг бош тарафида у кишининг пирлари Мир Саид Барақа осойиш топган эканлар.

Улугбек расадхонасига қилган саёҳатимиз давомида фалакиёт илмининг султони бўлмиш Мирзо Улугбек ҳаётига оид билимларимизни янада бойитдик.

Хуллас, Самарқандга қилган ҳам саёҳат, ҳам зиёратимиздан бир олам таассуротлар билан қайтдик. Бунинг учун устозларимиздан беҳад миннатдормиз.

Васила АКБАРОВА,  
Ўзбекистон Давлат Жаҳон  
Тиллари Университети қошидаги  
академик лицейнинг  
114-гурух ўқувчиси.

# ҲАМ САЁҲАТ, ҲАМ ЗИЁРАТ



## ТОПШИРИҚЛИ АНОГРАММА


Азиз ўқувчилар! Аввало қуйидаги сўзлардаги ҳарфлар ўрнини алмаштириш билан бошқа маънодаги сўз ҳосил қилиш орқали анограммани ҳал этинг.

1. Фан.
2. Ганч.
3. Котиб.
4. Тилак.
5. Асад.
6. Қўй.

Жавобларни шакл марказига рақамли хонадан энига йўналишида ёзинг.

Энди жавоблар асосида шакл атрофидаги рақамлар жуфтини маълум тартибда ҳарфлар билан алмаштириб, топшириқни ҳал этинг.

Улардан соат мили йўналишида ўқиш-билан Луқмони Ҳакимнинг азиз фарзандига ёзиб қолдирган юз насихатидан бирини билиб олишга муваффақ бўласиз.



Фозилжон ОРИПОВ тузди.

## БОШҚОҒИРМА

Буюмнинг нархи қайси ҳолда кўпроқ камаяди: нарх 15 фоиз туширилганда ёки аввал 10 фоиз туширилиб, сўнгра янги нарх яна 5 фоиз туширилгандами?

Агар сиз чакмоқ чакқанини кўрганингиздан 10 секунд кейин момақалдирак товушини эшитган бўлсангиз, у ҳолда сиздан қанча масофада яшин уради?

Ёруғлик йили деб ёруғликнинг бир йил ичида босиб ўтган йўлига айтилади. Бир ёруғлик йили неча мил бўлади?